



“САФРОБОЗ” ЙИҒМАСИ ТАРКИБИДАГИ ОКСИДОЛЧИН КИСЛОТАЛАР ЙИҒИНДИСИНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Олимов Х.К.

Миррахимова Т.А.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17335099>

Кириш. Доривор ўсимликлар асосида олинган сафро хайдовчи воситаларга клиник амалиётида талаб катта, негаки уларни таъсири синтетик дори воситаларга нисбатан юмшоқроқ ва таъсири давомийлироқ. Ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини сафро хайдовчи хусусиятини ошириш ва ёндош касалликларни даволаш мақсадида ҳар-ҳил ўсимликлардан турли йиғмалар фойдаланилади.

Табийй хом ашё асосида олинган дори воситалари синтетик дори воситаларига нисбатан кенг доирадаги фармакологик таъсирга эгаллиги, нарх жихатидан арзонлиги, организмга нојўя таъсирнинг камлиги ёки унинг мутлақ мавжуд эмаслиги билан устун туради.

Тадқиқод мақсади. “Сафробоз” йиғмаси таркибидаги оксидолчин кислоталар йиғиндисининг миқдори СФ усулда аниқлаш

Материал ва усуллар. Эритмаларнинг оптик зичлиги Спектрофотометр UV- Shimadzu-1800 Япония 329±2 нм узунлигида ўлчанди (хлороген кислотаси). 50% этил спирти солиштирилувчи эритма сифатида қўлланилди .

“Сафробоз” йиғмаси таркибидаги оксидолчин кислоталар йиғиндисининг миқдори хлороген кислотага нисбатан спектрофотометрик усулда аниқланди. “Сафробоз” йиғмасидан аналитик тарозида аниқ тортма олиб 50% этил спирти ёрдамида ажратма олинди ва филтрланди (А эритма). А эритманинг маълум миқдори 50% этил спирти билан ўлчов колбасида суюлтирилди.

Параллел ҳолда хлороген кислотаси ишчи тандарт наъмунасининг (ИСН) оптик зичлиги аниқланди. Хлороген кислотасини ИСН ни тайёрлаш учун аниқ тортим (0,00700 г) 50 мл хажмли ўлчов колбасига солиниб, 50%ли этил спирти билан эритилди. Ҳосил бўлган эритмадан 0,5 мл олиниб 25 мл хажмли ўлчов колбасига ўтказилди ва ўлчов колбанинг белгисигача 50% этил спирти билан етказилди. Тайёрланган эритманинг оптик зичлиги текширилувчи эритмалар каби ўлчанди. Солиштирилувчи эритма сифатида 50% этил спирти ишлатилади.

Хлороген кислотага нисбатан оксидолчин кислоталар йиғиндисининг миқдори фоизларда қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$X = \frac{D_1 \cdot m_0 \cdot C \cdot 100}{D_0 \cdot m_1 \cdot (100 - W)}$$

бу ерда D_1 – “Сафробоз” йиғмаси асосидаги фиточойдан олинган спиртли ажратманинг оптик зичлиги;

D_0 - хлороген кислотасининг ИСЭ оптик зичлиги;

m_1 - хом ашё массаси, г;

m_0 – стандарт намунасининг массаси, г;

C – стандарт намунадаги хлороген кислотасининг миқдори, % (97% дан кам эмас);

W – хомашё намунасини қуритилганда массасининг йўқотилиши, %.



Хлороген кислотага нисбатан оксидолчин кислоталар йиғинидисининг миқдори 2,22% ташкил қилди.

Хулосалар. “Сафробоз” йиғмаси асосида олинган фиточой таркибидаги оксидолчин кислоталарнинг йиғиндиси миқдорини аниқлашда олинган бир-бирига яқин кўрсаткичлар усулнинг такрорийлигини кўрсатди. Қўлланилган усулнинг ўртача нисбий хатолиги 1,16% ташкил этди. Олинган натижалар рухсат этилган меъёр даражасида бўлиб усулнинг аниқлиги ҳақида далолат берди.